Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 24 июль, № 154 (7934) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришгандаёқ бир фикрни таъкидлаганди: халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.

Бу элпарвар тамойил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Кўп ўтмай, 2016 йил 28 декабрда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича Президент Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси фуқаролар билан мутасадди идораларни боғловчи тизимга айланди.

Жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан жонли мулоқотлар ва сайёр қабуллар йўлга қўйилгани одамларда муаммоларини ҳал қилиш мумкинлигига катта умид ва ишонч уйғотди. Давлат идоралари қуйи тизимга тушиб, аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишлашни бошлади.

Халқ қабулхоналари орқали ва сайёр қабулларда кўтарилган долзарб муаммолар таҳлили кўплаб ислоҳотларга ҳам сабаб бўлди. Масалан, 4 йил олдин валюта айирбошлаш, прописка, пенсия ва нафақаларни нақд пулда олиш масалалари бўйича ҳар ойда ўртача 100 мингта мурожаат тушган. Бу соҳаларда қулайлик яратилиб, муаммолар тизимли ҳал этилгани туфайли уларга оид мурожаатлар бутунлай тўхтаган.

Ёки Ўзбекистон фуқаролигини олиш тартибларининг енгиллаштирилгани шарофатидан 100 мингга яқин оилалар рўшнолик кўрган.

Суд-тергов идораларига адолат ва очиқлик кириб бораётгани натижасида одамларнинг йиллаб ҳал бўлмаган 250 мингта шикояти ижобий якун топган.

Йиғилишда аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг бугунги ҳолати вазирлик ва ҳудудлар кесимида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф қилиш кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир ҳафтада икки кунни фуқароларни қабул қилишга ажратиши, шунингдек, ҳокимликларда кунлик қабул йўлга қўйилиши белгиланди.

— Ҳар бир ҳокимнинг кабинети “халқ қабулхонаси” бўлади. Мурожаатларни кўриб, нималарга эътибор қилиш бўйича ҳар бир раҳбарнинг стратегияси бўлиши керак, — деди Президент.

Аҳоли тўғридан-тўғри туну кун мурожаат қилиши учун ҳокимларнинг виртуал қабулхонаси ва ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилнинг 6 ойида Халқ қабулхоналарига бандлик ва тадбиркорлик масалалари бўйича келиб тушган 100 мингта мурожаатни тўлиқ ҳокимлик кучи билан ҳал қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун Пастдарғом туманида ташкил этилган Маҳаллабай ишлаш маркази 117 та маҳаллада хатлов ўтказиб, 4 минг нафар ишсиз фуқарони аниқлаган. Касб ва тадбиркорликка ўқитиш, бизнес лойиҳаларини тайёрлаш, кредит ва субсидия олишга кўмаклашиш орқали уларнинг 3 мингдан ортиғи банд қилинган.

Бундай ташаббусларни бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Энг кўп мурожаатлар электр энергияси ва газ таъминоти, бандлик, уй-жой, ер, тиббий хизмат ва халқ таълими масалалари бўйича бўлаётгани қайд этилиб, уларни ҳал қилиш чоралари кўриб чиқилди.

Мисол учун тиббиёт соҳасидаги мурожаатларнинг қарийб ярмини ташкил этаётган ордер тартиби ўрнига очиқ ва шаффоф тизим йўлга қўйилса, камида 10 мингта шикоят камайиши айтиб ўтилди.

Энди мурожаатларнинг барчаси ягона электрон базада жамланиб, Халқ қабулхоналари ҳар чоракда давлат органларининг очиқ рейтингини шакллантириши белгиланди. Барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликларда мурожаатларни рўйхатга олиш, уларни кўриб чиқиш ва натижасини назорат қилиш бўйича Ягона онлайн платформа яратилади. У орқали мониторинг юритилиб, ҳар ойда Сенатга ва Ҳукуматга таҳлилий маълумот киритилади ҳамда танқидий муҳокама қилиб борилади.

Шунингдек, аҳоли мурожаатларида кўтарилаётган масалаларни ҳал этиш бўйича вазирлик, идора ва ҳудуд раҳбарларининг ҳисоботини Сенатда ҳар чоракда, маҳаллий ҳокимликлар ҳисоботини эса маҳаллий Кенгашларда ҳар ойда эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилади.

Йиғилишда мутасаддилар аҳоли мурожаатлари бўйича янгича тизимда ишлаш юзасидан ўз фикр ва режаларини баён этди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фазовий маълумотлар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 26 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2021 йил 29 майда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фазовий маълумотлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик

Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

фазовий маълумотлар – фазовий объектлар тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг жойлашган ери, шакли ва муайян шаклда ҳамда фазовий-вақт координаталари тизимларида тақдим этилган бошқа хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар;

фазовий маълумотларга ишлов бериш – фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни яратиш, йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, янгилаш, визуаллаштириш, улардан фойдаланиш, уларни тақдим этиш, тарқатиш ва узатиш бўйича бир ёки бир нечта ҳаракатлар йиғиндисини амалга ошириш;

метамаълумотлар – фазовий маълумотларнинг тўпламлари, сервислари ва бошқа хусусиятларини тавсифлаш имконини берадиган, уларни идентификация қилиш, излаш, инвентаризациялаш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотлар;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопортали – геоахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотларни сақлаб турадиган ва улардан фойдаланишни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали таъминлайдиган фазовий маълумотларнинг интернет воситалари ва сервисларининг мажмуаси;

фазовий маълумотлардан фойдаланувчи (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) – фазовий маълумотлардан фойдаланадиган жисмоний ёки юридик шахс;

фазовий объектлар – жойлашган ери белгиланган фазовий-вақт координаталари тизимида аниқланиши мумкин бўлган табиий ва сунъий объектлар.

4-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:
қонунийлик;
фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги;
базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва улардан фойдалана олиш;
фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ҳимояланганлиги.

5-модда. Қонунийлик принципи

Фазовий маълумотлар соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

6-модда. Фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги принципи

Фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги:
давлат геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқларини ишлаш ҳолатида сақлаб туриш;
давлат топографик хариталарини картографик мониторинг қилиш ва узлуксиз янгилаб бориш тизимини жорий этиш;
тартибга солинган координаталар тизимларидан ва мавжуд базавий фазовий маълумотлардан давлат ахборот ресурсларини ҳамда янги базавий фазовий маълумотларни яратишда фойдаланиш;
базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар ҳамда метамаълумотларнинг доимий мониторинги, илмий-техник экспертизаси ва назоратини амалга ошириш ҳисобидан таъминланади.

7-модда. Базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва улардан фойдалана олиш принципи

Базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва улардан фойдалана олиш:
базавий фазовий маълумотлар таркибида давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни, шунингдек фойдаланилиши қонунчиликка мувофиқ чекланган бошқа ахборотни ташкил этадиган маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;
фойдаланувчиларга базавий фазовий маълумотлардан эркин фойдаланиш, шу жумладан умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имкониятини бериш ҳисобидан таъминланади.

(Давоми 4-бетда).

«Сайлов — 2021»

ЙИРИК СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА СТАРТ БЕРИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда йирик сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига старт берилди.

Сиёсий партиялар раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган ушбу тадбирда Марказий сайлов комиссияси жорий йилнинг 24 октябрь санасини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни, деб белгилади. Сайлов кампанияси 23 июлдан бошланган эълон қилинди.

Таъкидланганидек, Президент сайлови шу йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишга мувофиқ, октябрь ойида бўлиб ўтади. Марказий сайлов комиссияси Раиси Зайниддин Низомхўжаев Президент сайлови янгиланган миллий сайлов қонунчилиги, умумэътирофдаги халқаро стандартларга мос, демократик тамойиллар асосида, очиқ ва ошкора ўтказилишини алоҳида қайд этди.

Бўлажак сайлов 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган демократик ғояларнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлади.

2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан буён ўтган беш йил мобайнида халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида, жамиятимизда, миллий сайлов қонунчилигида улкан ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар кенг эътироф этганидек, бу даврда мамлакат ҳаётининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларида халқ фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган дадил ислоҳотлар амалга оширилди.

Илк бор Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси асосида ўтадиган Президент сайловида конституциявий қоидалар ва халқаро сайлов стандартларига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти, яъни давлат раҳбари даврийлик принципи асосида сайланиши таъминланади. Қолаверса, мамлакатимизда сиёсий партиялар сони яна биттага кўпайиб, партиялараро рақобат сезиларли даражада кучайди.

Мажлисда сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити ва тенг шароит яратилиши алоҳида таъкидланди. Бунда Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларни, жумладан, сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини ўз номзодини илгари сурган сиёсий партиялар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар вакиллари, маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар, минглаб кузатувчилар кузатиб боради.

Бўлажак сайловни сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказиш мақсадида, Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йил 14 апрелда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига биноан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кенг кўламли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

2

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БАРЧАМИЗНИ БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ УНДАМОҚДА

БУНИНГ НАТИЖАСИНИ БУГУН АМАЛДА КЎРЯПМИЗ.

Ўтган беш йил ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгу шууримизда унутилмас ёруғ излар қолдирди. Бугун фахр билан айтиш керакки, ўтган қисқа даврда, айни чоғда бугун ҳам асрларга татигулик ишлар рўёбига гувоҳ бўлаётирмиз.

Хозирги кунда дунё экспертлари Ўзбекистонни ҳамма бирдек ҳурмат қиладиган мамлакат, дея бежиз айтмаяпти. Чунки кейинги 4-5 йил давомида мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш борасидаги ишлар, Ватанимиз тараққиёти, юртимиз юксалиши, эришаётган ютуқлар-у, қўлга киритаётган муваффақиятларимизни айтиб адоғига, санаб саноғига етолмаймиз.

ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

3- саҳифага қаранг.

МИЛЛИЙ ТАРИХ ВА МИЛЛИЙ РУҲ

Уч минг йиллик давлатчилик тарихимизда салкам беш йил бурун бошланган янги босқич — янги Ўзбекистон воқеликка айланиб бўлди. Сифат жиҳатидан ушбу тарихий ўзгариш Америка қитъасидан Япон оролларигача бўлган улкан ҳудуд — бутун дунёда тан олингани ва олинаётгани ҳам бор гап. 2018 йили Покистон ҳукумати бошқарувига келган Имрон Хоннинг ўтган ҳафтада Ўзбекистонда бўлиши чоғида, биз ҳам янги Покистонни қуряпмиз, дея фахрланишига қараганда, миллий етакчимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат ва жамият турмушининг барча йўналишини тубдан янгилашга қаратилган ғояси бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Таҳлил

Одатда нима ибрат бўла олади? Ўзини оқлаган, тўғрилиги исботланган, кўпчилик томонидан тан олинган ғоя, ҳаракатгина шундай эътирофга эришиши мумкин.

Чиндан ҳам, сўнгги йилларда юртимизда юз берган ва бераётган сифат ўзгаришларини ўзимизгина эмас, узоқ-яқиндагиларнинг барчаси кўриб турибди. Шу билан бирга, уларни биринчи бўлиб туяётган ўзимиз бўламиз. Негаки, Ўзбекистон — бизнинг юртимиз, унинг кечаги ва бугунги кунларини солиштиришни биздан бошқа ҳеч ким холис эплай олмайди.

Шу ўринда, қандайдир 4-5 йилда тарих фанида содир бўлган, ҳеч бир муболағасиз, ақлбовар қилмайдиган ўзгаришлар ҳақида сўз айтиш ҳам фарз, ҳам қарздир, деб ҳисоблаймиз.

Умрининг йигирма саккиз йили мустамлака даврида ўтган инсон ва тарихчи олим сифатида каминада учта тарихий босқични солиштириш ва таҳлил этиш имкони бор.

Қарамлик замони бугун кўпчиликнинг эсидан чиқиб қолди. Бу ҳам етмаганидек, уни улуғлайдиганлар эндиликда ҳам орамизда учраб туради. 1985 йили катта умид ва жўшқинлик билан ФА Шарқшунослик институтига борганмиз. Бироқ айрим нарсалар ҳайрон қолдириш баробарида, норозилик ҳам уйғотган. Барча катта-кичик йиғилишлар, ҳатто фақат тўрт-беш қоракўз қатнашган йиғин ҳам рус тилида олиб борилларди. Институт илмий фаолияти асосий йўналишлари Москвада белгилаб берилган. Ўзбек миллати, давлати, давлатчилиги деб айтиш, ёзиш олимларнинг хаёлига ҳам келган эмас. Ҳар қандай илмий мавзу коммунистик мафкура нуқтаи назаридан ёритилиши лозим эди.

2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2021 йил 24 июль

Янги Ўзбекистонда

МИЛЛИЙ ТАРИХ ВА МИЛЛИЙ РУҲ

1 Мустақилликка эришгач, бошқа масалаларда бўлгани каби тарих фанимизнинг тақдирини ҳам ўз қўлимизга олдик. Илгари мумкин бўлмаган қараш, ёндашувлар юзага чиқди. Бироқ умуман, илм-фан тизимида бўлгани сингари, тарих фани бўйича ҳам ягона давлат сиёсати ишлаб чиқилмади. Каминанинг 1998 йилдаги уринишлари, бир қараганда, самара бергандек кўринса-да, аммо тез орада бу шунчаки "хўжакўрсин"га амалга оширилгани аёнлашиб қолди.

Тарихий шахсларимиз, айниқса, ўзбек аёлларининг хизматларини тарғиб этиш мақсадида битилиб, 2001 йил бошларида "Фидокор" газетасида эълон қилинган "Сароймулкхоним" мақоламиз учун "Азаматнинг қиладиган бошқа иши йўқми?" даккисининг сабабини ўша пайт тушунмагандик. Бироқ Тарих институти Миллий университет таркибига қўшиб юборилиши муносабати билан 2016 йилнинг ўрталарида мазкур таълим муассасаси ҳудудига кўчиб борганида рўй берган мана бу воқеа ҳар қандай виждонли киши юрагини ларзага солмай қўймайди: бино даҳлизи деворларига жадид боболаримиз — Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Ибрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқаларнинг суратлари ўрнатилаётган пайтда келиб қолган жуда юқори мартабали амалдор "Йўқот буларингни", деганига бугун биров ишонади, биров эса йўқ.

Қанчадан-қанча олимлар бола-чақамни боқаман деб, шундай касбини ташлаб кўчага чиқиб кетгани-чи?! Кимдир киракашлик қилди, кимдир савдосотиқ, яна кимдир Россияга жўнади... Таълим, айниқса, унинг олий босқичи ҳаром-хариш ботқоғига ботиб кетганини айтмаса ҳам бўлади... Шу йўсинда, умуман, илм-фан, хусусан, унинг тарих каби ўта муҳим соҳасини ўлдиришга йўйдик. Ушбу аччиқ ҳақиқат 1997 йили Фанлар академияси тизимини тарк этиб, орадан йигирма икки йил ўтгач Тарих институти директори сифатида яна мазкур катта тизимга қайтиб, институт, умуман, тарих фани соҳасидаги аҳволнинг ичига кириб борганимиз сайин тўла-тўкис ўзини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан бир муҳим омил ҳам кўзга ташланаётганини уруғлаган бўлардик. Бошқа йўналишларда бўлгани сингари кейинги йилларда тарих фанида ҳам уйғониш, жонланиш юз беришгина қолмай, чиндан ҳам янгиланиш жараёни илдам кечмоқда. Аҳвол жуда оғир бўлганига қарамай, йилдан-йилга яққоллашиб бораётган кескин сифат ўзгаришлари сабаблари нимада?

Биринчидан, ҳар қандай замон ва халқ учун энг бирламчи зарурат — умумэркинликнинг илк бор жамиятимиз турмушига ёппасига кириб келиши ва кундан-кунга чуқур илдиз отиб бораётганидадир. Шавкат Мирзиёевнинг тарихий шахс сифатида миллатимиз олдидаги энг улуғ ва бош хизмати худди шу тарихий ютуғимиз билан боғлиқ, десак, барча қўллаб-қувватлайди. Негаки, эркинликсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бунинг исботи учун яқин, ўрта ва узоқ ўтмишимиздаги ҳаётимиздан етарлича далиллар топиш мумкин.

> *"Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармон миллий илм-фан тизимини замон талабларига кўра ривожлантиришда катта воқеа саналади.*

Иккинчидан, ниҳоят, миллат омили оғизда эмас, амалда юзага чиқди. Атиги ўн йиллар бурун тил, адабиёт, тарих, маданиятни ўзбек миллати билан боғлаш, "37-йиллар"чалик бўлмаса-да, ўшанга яқинроқ даражада "миллатчилик"да айбланиб қолишга сабаб бўлганига шахсан гувоҳмиз (2013 йили миллий маданий меросимиз қонунчилигига киритилаётган мантиқсиз ўзгартиришларга қарши чиқилганда, "халқ душмани" тамғасини қўйиш билан қўрқитишлар ҳали эсдан чиққани йўқ).

Учинчидан, ниҳоят, мустақил давлатнинг илм-фандек ўта ҳаётий ва ҳал қилувчи соҳада ўз давлат сиёсати пайдо бўлди. 2019 йили, яъни Истиқлолнинг йигирма саккизинчи йилига келибгина, тарихда илк бор "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги Қонун дунё юзини кўрди, шунингдек, илм-фан тизимининг энг асосий муаммолари бўйича қатор Фармон ва қарорлари қабул қилинди. "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармон миллий илм-фан тизимини замон талабларига кўра ривожлантиришда катта воқеа саналади. Илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларининг белгилаб олиниши эса ҳар қандай давлат ва жамият учун ҳаётмамот саналмиш тармоқ оқилона бошқарила бошлаганини тасдиқлаб берди.

Тўртинчидан, илм-фан муассасаларининг моддий асосини тубдан яхшилашга жиддий эътибор берилаётганини уруғлаш лозим. Ўн йиллар ичра қаровсиз ётган, тўкилиб тушган бинолар тикланмоқда, янгилари қурилмоқда, асбоб-ускуналар, ашёлар сотиб олинмоқда.

Мустақиллик йилларида илк бор ёш олимларга текинга ва имтиёзли равишда уйлар ажратилгани кечагина бировнинг тушига ҳам кирган эмас.

Энг муҳими, уч-тўрт йил ичида илмий ходимлар ойлик маоши камида уч марта оширилди. Кеча магистратурани битириб, бугун Фанлар академияси илмий муассасаларидан бирига стажер-тадқиқотчиликка қабул қилинган ёш йигит-қизлар ойлиги 3,5 миллион сўм, кичик илмий ходимники эса 4,3 миллион сўмга тенг. 2017 йили 1,2 миллион сўм стипендия олган таянч докторант (олдинги аспирант) энди 4 миллион сўм, 1,6 миллион сўм олган докторант 5,1 миллион сўмлик даромадга эга. Мазкур кескин — уч мартадан кўп, ижобий ўзгариш ўларок сўнгги йилларда илмга интилаётган ёшларнинг сони ошиб бормоқда, директор учун эса бу — бахт! Негаки, мутахассисларни чертиб-чертиб ишга олиш имкони туғилмоқда.

Президентимиз ташаббуслари билан илмий фаолият давлат хазинасидан молиялаштирила бошлангани, бундан ташқари, давлат илмий дастурлари доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш ҳам сақланиб қолгани, илм-фан ва таълимнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида олимларнинг олий ўқув юртларида дарс беришлари рағбатлантирилиши, илмий даражаси борларга қўшимча 30 ва 60 фоизлик устама ҳақи белгиланган илм аҳлининг моддий аҳволини тарихда ҳеч қачон бўлмаган даражада юксалтириб юборди. Энг муҳими, мазкур тўрт асосий манба барчага баробар қоидасига кўра эмас, балки ўз устида тинимсиз ишлаётган, тарихчилик миллий мактаби тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган, ёшларни тарихий тафаккур билан қуроллантиришда жонбозлик кўрсатаётган, касби ва миллатига садоқатли олимлар учун очиқдир. Бундай касбдошларимизнинг сони эса кўпайиб бормоқда. Масалан, бизнинг институтимизда фан докторлари орасида тилга олинган барча манбалар ҳисобидан ойлиги 22 миллион сўмга етадигани ҳам бор.

2020 йили "тожли оғу" авжига чиқиши муносабати билан туғилган иқтисодий қийинчиликлар, жумладан, давлат хазинаси даромадлари камайиши шароитида ҳам миллий етакчимиз илм-фанга мўлжалланган маблағдан бир тийин ҳам кесилмаслигини қаттиқ тайинлаганлари эса ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида яна илм-фан асри тикланган, учинчи Уйғониш босқичи шунчаки шиор эмаслигининг тасдиғилигини тушунган тушунади, тушунмаган ҳеч қачон тушунмайди.

Бешинчидан, ўзбек миллати ютуқлари билан боғлиқ бўлган, кишилик тарихидаги биринчи ва иккинчи Уйғониш даврлари айнан ўша кезларда улуғ истеъдодларнинг борлиги билангина эмас, балки давлат арбобларимизнинг илм-фан, маданиятга бўлган рағбатларига ҳам боғлиқ бўлгандир. Бошқача айтганда, давлатимиз, ҳукуматимиз, вилоят ва шаҳарларимиз бошлиқлари илм, маданият ва маърифатда кучли ва серқирра бўлган пайтларда, биз юксалганмиз. Билим қадрланмай, олимлар ерга урилганида эса қолоқликка, турғунликка юзтубан бўлингани ҳам ҳақиқатдир.

Шу ўринда, илм-фан ривожида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг билим ва илм-фан моҳиятини, уларнинг кишилик ва миллат, шахс юксалишидаги аҳамиятини чуқур англаш фазилати ўзбекнинг эндиги ва келажак авлодларининг ютуғидир, десак, ошириб юборманган бўламиз. Миллий етакчимиз қайси соҳа ва масала бўлмасин, тиббиёт ёки қурилиш, хизмат кўрсатиш ёки деҳқончилик, ишлаб чиқариш ёки таълим, ҳарбий соҳа ёки ташқи сиёсат, барчаси ва ҳар бирининг замири ва ютуғида илм борлиги ва бўлишини таъкидлайдилар, уларни ривожлантиришни кечаги эмас, балки энг олди илм билан йўлга қўйишни талаб қиладилар.

Демак, янги Ўзбекистон ғояси ва жараёнининг ўзи илмдир. Бунга ҳеч бир шубҳа йўқ. Негаки, илмнинг биринчи талаби янгилик яратишдир.

Олтинчидан, давлатимиз бошлиғи ҳар бир чиқиши ва тадбирда улуғ аждодларимиз, бой ва қадим тарихимизни тилга олади. Буюк ўтмишимиз билан ғурурланиш туйғусини халқимиз, айниқса, ёшларимизга етказиш ишига тинимсиз урғу бериб келмоқда.

Шу йилнинг январь ойида Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида Президентимиз масалани кўндаланг қўйди: **"Миллий тарихни халқимиз, аниқса, ёшларимизга миллий рухда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишимиз лозим. Тарих институтини бу фанни ривожлантириш буйича "таянч илмий муассаса" этиб белгилаш зарур"**.

Адолат юзасидан айтганда, тарих фани юқорида тилга олинган омиллар шароитида яшамоқда ва бу биз — тарихчиларнинг бахти! Тарихчи олим учун эркинлик, миллат қайғуси устувор шароитда яшаш ва ишлаш, давлат ва жамият эътибори, айниқса, миллат етакчисининг узлуксиз қўлловидан бошқа яна нима керак?! Бундан буёғига фақат бир нарса талаб қилинади, холос: ишончни оқлаш! Бутун борлиғимизни бериб бўлса-да, ушбу юксак ишончни оқлаймиз ҳам.

Азамат ЗИЁ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
ЎзФА Тарих институти директори,
тарих фанлари доктори, профессор.

ЙИРИК СИЁСИЙ ЖАРАЁНГА СТАРТ БЕРИЛДИ

1 Унга кўра Президент сайловининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари, Сайлов кодекси, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга ва сайлов ташкилотчиларига етказиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Айтиш жоизки, сайлов кампанияси эълон қилингунга қадар бўлган даврда амалга оширилган бундай тадбирлар миллионлаб фуқароларни қамраб олди.

Мажлисда сайлов қонунчилигида белгиланган нормаларнинг ижросини ўз муддатида ва самарали таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режаси тасдиқланди.

Календарь режада Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида изчиллик билан амалга ошириладиган вазифалар белгиланган. Округ ҳамда участка сайлов комиссияларини тузиш, кузатувчиларнинг сайловдаги иштирокини таъминлаш, сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати, сиёсий партияларнинг, Президентликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловдаги иштироки, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайловолди ташвиқоти, сайлов жараёнини ёритиш, овоз беришни ўтказиш билан боғлиқ ишлар ана шулар жумласидандир.

Марказий сайлов комиссияси ҳамда барча даражадаги сайлов комиссиялари Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишини қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда олиб боради.

Мажлисда шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур марказнинг низоми тасдиқланди. Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ва бошқа мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган еттита гуруҳ фаолият олиб боради.

Марказий сайлов комиссиясининг Тошкент шаҳрида *(Маънавият ва маърифат маркази, Симпозиумлар саройи биносида)* иш бошлаётган Матбуот маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланади. Уларда журналистларга ва жамоатчиликка сайловга оид масалалар бўйича тезкор ахборот етказиш мақсадида брифинглар, матбуот анжуманлари, учрашувлар ҳамда бошқа тадбирлар ташкил қилинади.

Матбуот маркази Марказий сайлов комиссиясининг "Saylov 2021" веб-портали ҳамда бошқа ахборот ресурсларининг юритилишини таъминлайди.

Якунда Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мажлисда кўриб чиқилган масалалар юзасидан матбуот анжумани ва тақдимотлар ўтказилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
("Халқ сўзи").

Қулайлик

«КЎҲИНУР» 200 НАФАР БОЛАЖОННИ ЎЗ БАҒРИГА ОЛАДИ

Наманган туманининг Ишонч маҳалласида "Кўҳинур" мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди. Барча қулайликка эга ушбу замонавий боғча "Mega star flowers" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган.

— Маҳалла аҳли ҳудудда болалар боғчаси йўқлигидан ўз фарзандларини узоқдаги боғчаларга олиб борарди, — дейди жамият раҳбари Ҳакима Тошматова. — Бу масалага томошабин бўлиб туролмадик. Имкониятимиз бор, янги боғча қурмаймизми, дея астойдил ишга киришдик. Энди бу ерда ҳам МЧЖ ишчилари, ҳам маҳалла фуқароларининг фарзандлари тарбияланади.

Янги боғча ишга тушиши билан йигирма нафар кишининг бандлиги таъминланди. Бу ерда болажонларнинг ақлий ҳамда жисмоний ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Болажонларга инглиз, рус ва корейс тиллари ҳамда миллий ҳунармандчилик сир-асрорлари ҳам ўргатилади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
("Халқ сўзи").

Қонунчилик палатаси фракцияларида

АСОССИЗ ҲИСОБЛАНГАН ТЎЛОВЛАР УЧУН ҚАНЧА МИҚДОРДА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНАДИ?

Шу йилнинг 15-16 июль кунлари пойтахтимизда "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуида халқаро анжуманнинг ўтказилиши икки минтақа ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш учун қулай имконият бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан келиб чиқувчи асосий вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишни парламент қуйи палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари А. Ҳаитов кириш сўзи билан очар экан, партия ўз амалий саъй-ҳаракатларида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўналишини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўта муҳим бўлган вазифа — Марказий Осиёни барқарорлик, изчил ривожланиш ва яхши қўшничилик ҳудудига айлантириш вазифасини амалга оширишга кўмаклашиш учун партиявий, парламент ва халқ дипломатияси имкониятларини ишга солишга интилаётганини таъкидлади.

— Биз электоратимизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан тинчликпарвар, очиқ ва оқилона сиёсат доирасида самарали ҳамкорликни давом эттиришни муҳим, деб ҳисоблаймиз, — деди А. Ҳаитов. — Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида юқори даражадаги халқаро анжуманнинг ўтказилиши ана шундай сиёсатнинг намунаси бўлди.

Фракция йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур ҳужжат билан Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари ва вазифалари белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрда имзоланган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунига киритиладиган ўзгартишга кўра, ушбу агентлик ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатли давлат органи сифатида белгиланиб, унинг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини белгиловчи нормалар назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши агентликнинг ёшлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси, васийлик ва ҳомийликдаги ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан муҳофаза этиш соҳаларидаги ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан белгиланишига ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, бугунги кунда аҳолининг 65 фоизи марказлашган ичимлик суви ва 17 фоизи оқова сув хизматлари билан таъминланган бўлиб, 17 та сув таъминоти ташкилоти томонидан 9 минг 408 та сув таъминоти, 58 та канализация иншооти, 72 минг км. ичимлик суви ҳамда 8,6 минг км. оқова сув тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Лекин ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш энг муҳим соҳалардан бири бўлиб, ушбу масалалар бугунги кунга қадар қонун даражасида тартибга солинмаган. Амалдаги қонунчиликда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари истеъмолчиларининг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, сув таъминоти ташкилотлари мажбуриятлари эса мустаҳкамланмаган.

Сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизом сустлиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келмоқда ва истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний уланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Йиғилишда кўриб чиқилган "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида сув таъминоти ташкилотларининг ушбу соҳадаги мажбуриятлари ва ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Мазкур ҳужжат билан ичимлик суви ва оқова сув қувурларининг истеъмолчи ҳудудига туташган қисмигача ичимлик суви таъминоти ташкилоти масъул ҳисобланиши назарда тутилиб, истеъмолчиларга асоссиз ҳисобланган тўловларнинг 50 фоизига тенг миқдорда ичимлик суви таъминоти ташкилотидан компенсация (пеня) талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида соҳани барқарор ривожлантириш, хизмат сифатини оширишга мўлжалланган таъсирчан ҳуқуқий база яратилиши, сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомни кучайтириш орқали носозликлар оқибатида ичимлик суви исроф қилинишининг олди олинади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирган ҳолда узоқ тортишув, баҳс ва мунозаралардан сўнг уни биринчи ўқишда қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИДА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА?

Солиқлар мамлакат тараққиётини таъминловчи муҳим манбадир. Конституциямизнинг 51-моддасида ҳам фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги белгиланган. Солиқ кодекси эса бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида депутатлар дастлаб "Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга ҳам қўшимчалар киритиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда. Хусусан, Солиқ кодексига ҳам ўзгартиш киритиш зарурати пайдо бўлди. Бу, айниқса, пандемия шароитида муҳим аҳамият касб этди. Чунки пандемияда иқтисодий барқарорликни сақлаш, айниқса, аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва даромадлари кескин пасайишининг олдини олишга қаратилган бир неча Фармон ҳамда қарорлар қабул қилинди ва ушбу қонун лойиҳаси уларнинг ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Лойиҳага киритилаётган энг муҳим ўзгартишлардан бири олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига олий таълим муассасалари битирувчилари орасидан бакалавр ёки магистратурани тамомлагандан сўнг уч йил давомида қабул қилинган ходимларга, шунингдек, мазкур олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар ҳамда таълим муассасаларига ишга қабул қилинган бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар ва мутахассисларга тўланадиган бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ижараси учун ҳар ойлик пул компенсацияси жисмоний шахсларнинг жами даромадига киритилмайдиган даромадлар тоифасига ўтказилади.

Мамлакатимизнинг бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган эксклавлар учун (Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи, Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон ва Ҳосилот маҳалласининг "Тошгепа" қишлоқ фуқаролар йиғини) солиққа тортишнинг янги тартиблари жорий қилиняпти. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос жиҳатлари эътиборга олиниб, янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига 2024 йил 1 январга қадар, шароити оғир бўлган 45 та маҳалла ва овулларда янгидан йўлга қўйиладиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига эса 2026 йил 1 январга қадар солиқ имтиёзлари берилиши белгиланмоқда.

Депутатлар коронавирус билан боғлиқ вазият янада мураккаблашиб бораётганини эътиборга олиб, аҳолининг кам таъминланган қатлами ва янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига берилаётган вақтинчалик имтиёзларни янада кўпайтириш лозимлигини таъкидлади ва Солиқ кодексига киритилаётган бундай ўзгартиш ва қўшимчаларни маъқуллади.

Йиғилишда, шунингдек, кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам атрофлича кўриб чиқилди ва фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЕР МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР МЕЪЁРЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги конституциявий қонун, "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Органик маҳсулотлар тўғрисида"ги, "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тўғрисида"ги, "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

"Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, охирги пайтда юртимизда ер муносабатлари соҳасида қонунбузарликлар содир этилиши кўпайгани кузатилаётир. Бу ҳолат соҳага доир қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Мазкур лойиҳа билан "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, Ер кодексига, "Нотариат тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонунларга ўзгартишлар киритиляпти.

Йиғилишда муҳокама этилган "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси органик қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасида бевосита юзага келадиган муносабатларни тартибга солиши, пировардида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қайд этилганидек, органик маҳсулотлар ва хом ашёларни ишлаб чиқариш соҳасидаги масалаларни тартибга солиш бўйича муайян даражада норматив-ҳуқуқий база шаклланмаган. Яъни юртимизда бу турдаги маҳсулотлар ва хом ашёларни ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган бўлса-да, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда органик маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш тизимининг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ даражада акс эттирилмаган.

Шуниси эътиборлики, чекланган моддий ва мавжуд молиявий ресурслар шароитидан ва табиий потенциалдан иқтисодий жиҳатдан оқилона фойдаланиш, хусусан, етишмаётган ва фойдаланилмаётган маҳаллий ер ресурслари асосида органик маҳсулотлар ва хом ашёларни ишлаб чиқариш тизимини шакллантириш муҳим ишлаб чиқариш йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Маълумотларга кўра айни пайтда дунёнинг 179 мамлакатида органик қишлоқ хўжалиги ривожланмоқда, уларда 2 миллиондан зиёд органик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият олиб бормоқда. 2019 йилда органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 млрд. еврони ташкил этиб, 71,5 миллион гектар майдонда 2,8 миллион ишлаб чиқарувчи ушбу фаолият тури билан шуғулланган. Экспертлар баҳосига кўра дунё органик маҳсулотлари бозорида сўнгги 5 йил давомида йилига ўртача 15 фоиздан ўсишга эришилиб, 2022 йилда савдо айланмаси 212 млрд. АҚШ доллари (жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизи)ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича Халқаро федерацияси (IFOAM)нинг Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича қулай жойитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва юртимиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган.

Фракция аъзолари таъкидлаганидек, "Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилиниши органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ишлаб чиқариш тизимидаги муносабатларни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосини яратиш, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёлар ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш, хўжалик субъектлари учун муносабатларни муфассал ҳуқуқий тартибга солишга ёрдам беради.

Фракция йиғилишида кун тартибидаги бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрофлича кўрилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Мунисхон КАРИМОВА
("Халқ сўзи").

эркин ва фаровон яшайлик!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БАРЧАМИЗНИ БУЮК МАҚСАДЛАР САРИ УНДАМОҚДА

БУНИНГ НАТИЖАСИНИ БУГУН АМАЛДА КЎРЯПМИЗ.

Бугун мамлакатимизни ҳақиқий маънода янги Ўзбекистон, дея таърифлай оламиз. Бу нафақат биз, балки ривожланган мамлакатлар расмийлари, халқаро экспертлар томонидан ҳам такрор ва такрор эътироф этиляпти.

Тўғри, бугунгидек яхши ҳаётни қуришнинг ўзи бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати туфайли барча қийинчилик мардона енгиб ўтиляпти. Бунга юртимиз бўйлаб саёҳат қилган киши яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

Кейинги йилларда турли соҳаларда жорий этилган янгиликлар туфайли одамларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгаргани, айниқса, изчил ислоҳотлар одамлар ҳаётида акс этаётгани таҳсинга сазовордир. Давлатимиз раҳбари олиб бораётган одилона сиёсатнинг туб моҳияти ҳам аслида шу — одамларни рози қилиш.

Хўш, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, туб янгиланишларга одамларнинг фикри, муносабати қандай?

Янги тизим орқали ўз ҳаёт йўлимни топдим

Кўпчилик қатори менда ҳам мактабни тугатгач, олий ўқув юртига кириб, талабалик сурури билан яшаш орзуси бўлган. Аммо бу борада омадим чопмади. Шунда ўзим қизиққан касб, яъни тикувчиликни ўрганишга қарор қилдим.

Навбаҳор опа деган чевар қўшнимиз бор эди. У тиккан либосларга болалигимдан маҳлиё бўлиб ўсганман. Ўша пайтларда ҳам шаҳарнинг нариги четидан уни излаб келувчи мижозлари бор эди. Хуллас, 2009 йилда қўшнимиз Навбаҳор опага шогирд тушдим. Шу тариқа тикувчилик ҳаётим мазмунига айланди.

Орзуим — мустақил иш бошлаш эди. Бир неча йил илгари мақсадим йўлида бир қанча ташкилотлар эшигини қоқдим. Лекин натижа бермади.

Муқим иш жойим йўқлиги боис “аёллар дафтари”га киритилдим. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий қилинган ушбу тизим орқали ўз ҳаёт йўлимни топдим. Аввал бир неча бор ҳаракат қилиб, ечилмаган масала мана шу янги иш тутуми асосида қисқа муддатда ижобий ҳал бўлди.

Ҳунарим бор-у, имкониятим йўқлиги боис маҳалла йиғини ва бошқа масъулларга тикувчилик цехи очиш таклифи билан чиқдим. Масъуллар қўллаб-қувватлади ва банкдан кредит ҳам ажратилди. Шу тариқа замонавий тикув машиналари сотиб олиб, иш фаолиятимни бошладим.

Ҳозирги кунда ўзим билан бирга яна 4 нафар қиз тикувчилик цехимизда ишлаб, даромад топяпти. Мижозларимиз етарли, ташкилотлардан ҳам буюртмалар қабул қиляпмиз.

Меҳнатинг самара берса, олдинга силжиш бўлса, ундан руҳланиб, янада шижоат билан ишлагинг келади. Бундан бир оз муқаддам менда ўз ишимни бошлаш учун иккиланиш бўлган бўлса, ҳозир ишонч ва шижоат кучли.

Опа-сингилларимизга айтардимки, ҳунарингиз борми, ўз бизнесингизни бошлайверинг. Бугун замон ўзгарди. Иккиланиб юрадиган давр ортда қолди.

Рамиза ЕРЖАНОВА,
Нукус шаҳридаги «Интизор» тикувчилик цехи раҳбари.

Уйимизга марҳамат, меҳмон!

Фарғона шаҳрида кейинги йилларда амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари туфайли аввалги чордевор, пастқам уйлар тобора тарихга айланмоқда. Замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлаб, ҳаётдан завқланиб яшайдиган яшаш манзиллари кўпаймоқда.

Болалигимдаёқ бувимдан “ўз уйинг — ўлан тўшагинг”, деган гапни кўп эшитган бўлсам-да, бугунга келиб ушбу ҳикмат моҳиятини англаб етдим. Уйсиз одам худди қанотсиз қушга ўхшаркан. Ишда ҳам, ижарада яшаб турган уйидаям ҳаловати бўлмайди. Бу ўзимнинг бошимдан ўтган.

Ниҳоят, яқинда узоқ кутган орзуимиз ушалди. Биз ҳам имтиёзли асосда икки хонали хонадон сотиб олдик. Президентимизнинг уйсиз оилаларни ўйлаб амалга ошираётган ишлари, бу борада берилаётган кўмак ва имкониятлардан жудаям мамнунмиз. Энди бизнинг ўз уйимиз бор.

Дарвоқе, ўтган йилларда спортнинг енгил атлетика тури бўйича етти карра Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Бугунги кунда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида сиртқи таълим йўналиши асосида ўқиш билан бирга, мураббийлик ҳам қиляпман. Шогирдларим орасидан уч нафар мамлакат чемпиони етишиб чиқди.

Яхши яшаш ва ютуқларга эришиш учун инсонда, аввало, шунга яраша шароит бўлиши керак. Ҳар куни ишдан қайтгач, юқори қаватдаги хонадонимдан бутун шаҳарни кузатиш янада завқли. Янги-янги режалар тузиб, фарзандларим, шогирдларим келажаги хусусида ширин хаёллар сураман. Орзуларим эса рўёбга чиқаётганидан беҳад мамнунман.

Асосийси, давлатимизнинг инсонпарварлик, бағрикенглик сиёсати туфайли бугун мен каби юзлаб, минглаб юртдошларимизнинг ушалмасдек туюлган орзулари амалга ошмоқда. Қалбларидаги армонларга барҳам берилмоқда.

Шаҳноза БОЙНАЗАРОВА.
Фарғона шаҳри

Умидбахш ислоҳотлар

Бугун таълим соҳасига мамлакат тараққиётини таъминловчи куч, стратегик мақсадларни белгиловчи омил сифатида қараляпти.

2017 — 2021 йиллар мамлакатимиз тарихида, шубҳасиз, янги Ўзбекистон жамиятини барпо этиш ва учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишдек улуғвор мақсадларга киришилгани билан тарихга муҳрланди. Бунда таълим йўналишидаги ўзгаришлар алоҳида ўринга эга.

Кейинги беш йилга яқин вақт мобайнида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид кўпгина Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда мактабгача таълимдан бошлаб олий ўқув юрти ва ундан кейинги таълимгача бўлган барча босқич, шунингдек, академик илм-фан ҳам қамраб олинган ва узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминлаш орқали таълим соҳасини мазмунан яхлит тизим сифатида шакллантириш назарда тутилган. Уларни “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя бирлаштириб туради.

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш учун сарфланган харажат жамият учун энг манфаатли сармоя ҳисобланади. Амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, Чирчиқ давлат педагогика институти соҳага инновацияларни жорий қилиш, таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёнларининг самарадорлигини ошириш мақсадида педагогик таълим инновацион кластерини ўзининг асосий стратегик илмий тадқиқот йўналиши сифатида белгилаб олди.

Ислоҳот, аввало, масъулият демакдир. Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида педагогик таълим соҳаси вакиллари олдига ўта муҳим вазифалар қўйилмоқда. Бу, биринчи навбатда, ўқитувчилик касбига нисбатан эътибор ва талабларнинг ўзгараётганида кўзга ташланади. Бугунги кун ўқитувчисидан ўз касбига нисбатан янгича муносабат, масъулият, илмий ва ижодий ёндашиш талаб қилинмоқда. Соҳага ностандарт ёндашувларни татбиқ этиш, таълим беришнинг янги шакл ва воситаларини кашф қилиш анъанаси кучаймоқда.

Юртбошимиз бошчилигида таълим тизимида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар соҳанинг келажагига ишонч уйғотади. Бу жаҳон тажрибасига асосланган ва миллий анъаналаримизга таянувчи умидбахш ислоҳотлардир. Қисқа йиллар давомида эришилган улкан ютуқлар эса соҳа вакилларида чуқур шукроналик ҳиссини пайдо қилади.

Ғофуржон МУХАМЕДОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти ректори.

Китобга дўст тутинаётган ёшлар кўпаймоқда

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови миллионлаб ёшларни ўз атрофида жамлади.

2018 йилда ушбу танловда иштирок этиб, 10 — 14 ёш тоифасида республика босқичи ғолиби бўлдим. Ҳозирда “Ёш китобхон оила” кўрик-танлови ҳам ўтказила бошланди. Бу китобхонликнинг янада кенг оммалашишига кўмак беришгина қолмай, ёш оилаларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан фойда келтиради. Қолаверса, Юртбошимизнинг беш муҳим ташаббусида китобхонликка алоҳида тўхталгани ҳам биз, китобсеварларни беҳад шод қилади.

Мен бир китобхон қиз сифатида яратилган мана шундай имкониятдан севинган ва беихтиёр бадиий китоблар билан дўст тутинаётган ёшлар кундан-кунга кўпаяётганини ҳис қилмоқдаман.

Бу йил мен учун жудаям омадли келди. Сабаби юртимиз бўйлаб кенг нишонланган Ёшлар кунида сана муносабати билан тақдирланган бир гуруҳ ёшлар орасида мен ҳам борлигимдан бошим осмонга етди. Бу ёшда юксак мукофотга эга бўлиш шарафли ва айни вақтда масъулиятлидир. Тантанали маросимда “Келажак бунёдкори” медалини қабул қилар эканман, Президентимизнинг “илмни қадрланг”, деган сўзларини ўзимга ҳаётий шиор қилиб олдим.

Маҳлиё ЎРОҚОВА,
«Ёш китобхон» танловининг республика босқичи ғолиби, «Келажак бунёдкори» медали соҳибаси.
Самарқанд вилояти

Жадал ривожланаётган соҳа

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бири. Юртимизнинг табиий иқлим шароити соҳани замонавий технологиялар асосида ривожлантириш учун жуда қулай.

Сурхондарё вилоятида асаларичилик бўйича ўзига хос мактаб яратилган ҳамда бу юмуш билан шуғулланаётганлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Кўп йиллик тажрибамга таяниб, “Фахриддин асалчи” фермер хўжалигини ташкил этгандим. Бугун фермер хўжалигимиз давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайли янада ривожланмоқда. Имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, етиштирган маҳсулотларимизни Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси кўмагида экспортга чиқармоқчимиз. Ҳозирга қадар 600 асалари оиласини парвариш қилиб, йилига ўртача олти тоннадан зиёд асал йиғиб олаяпмиз. Тоғ шароитида етиштирилган ҳар килограмм асал сифатига кўра 100 — 150 минг сўмдан сотилишини инобатга олсак, даромадни ўзингиз чамалаб олаверинг. Истиқболда асалари оилаларини кўпайтириб, ҳосилдорликни оширишни режалаштирганмиз.

Айтиш керакки, асаларининг асали, прополиси, заҳри, гулчанги, сути Яратганнинг инсонга кўрсатган саховатидир. Тиббиётда организмга қувват берувчи табиий восита сифатида ишлатилади. Асал шамоллашда, жигар касалликларини даволашда кенг қўлланилади. Асалари муми саноат учун муҳим хом ашё ҳисобланади.

Дарвоқе, Президентимизнинг “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу тармоқ ривожини таъминлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, соҳага бир қатор қулайлик ва имтиёз ҳам қўлланилмоқда. Бу давлатимиз томонидан асаларичилар фаолияти зарур даражада қўллаб-қувватланаётганининг амалий натижасидир.

Абдураҳим ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Сариосиё туманидаги «Фахриддин асалчи» фермер хўжалиги раҳбари.

Мардлик юртга муҳаббат ва садоқатдир

Ватанни севиш ва киндик қони томган муқаддас заминга садоқатли бўлиш чинакам ўғлонларга хос фазилат. Умуман, мардлик ҳақида гап кетганда, бувимнинг бир гапи ёдимга тушади: “Ватан ҳимояси — эр йигитнинг бурчи”.

Дарҳақиқат, фарзандларини дунёга келтириб, оқ ювиб, оқ тараб, эзгу орзу-умидларини уларнинг камолотида кўрадиган халқимиз учун Ватан тушунчаси ҳам шунчалар улуғ. Зеро, халқимизнинг туғилиб ўсган юртни она Ватан деб улуғлаши замирида, аввало, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, корига камарбаста бўлишдек муқаддас бурч мужассам.

Ватанимизнинг кундан-кунга чирой очиб бораётгани, халқаро майдонда обрў-эътибори юксалаётгани, ҳар бир жабҳада улкан ютуқларга эришаётганимиз халқимизнинг турмуш даражаси, ҳаётга бўлган қараши ўзгараётгани — барча-барчасига, аввало, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик муҳим асос бўлаётир.

Ҳар қандай рағбат ҳамда эътибор ортида ишонч ётади. Бугун мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар вакили сифатида “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланганим менга жуда катта мотивация берди. Шунинг баробарида, бу ишонч зиммамга катта масъулият юкламоқда.

Камтарона меҳнатим давлат раҳбари томонидан эътироф этилган экан, бу ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан. Ёшларимизнинг спортга, айниқса, футболга бўлган муҳаббатини юксалтиришда бор куч ва имкониятимни ишга соламан. Ижтимоий ҳаётда ўз ўрнимни топиб бораётганим, элга нафим тегаётганидан жуда мамнунман.

Яқинда Чироқчи туманида “Беш ташаббус” мажмуасини ишга туширдик. Замонавий спорт мажмуасида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

Отабек ШУКУРОВ,
«Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳиби.
Қашқадарё вилояти

Келажак учун мустаҳкам замин

Бола тарбияси — масъулиятли ва жиддий жараён. Фарзанд, оила, ўсиб келаётган ёш авлод мамлакат ва дунё келажагига таъсир этади.

Сўнгги тўрт йилда қайтадан ислоҳ қилинган мактабгача таълим соҳасида эътирофга арзигулик ишлар кўп. Буни фарзандларимизнинг мактабгача таълим билан қамрови даражаси ҳамда улар тарбияланаётган муассасалар фаолияти мисолида кўриш мумкин.

Мамлакатимизда мактабгача таълим соҳасига эътибор кучайди. Натижада давлат, нодавлат, оилавий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди. Бу эса эркин рақобатни юзага келтирмоқда. Айни пайтда қай бир боғчага разм солманг, жаҳоннинг энг илғор услубларини миллийликка уйғунлаштирган ҳолда замонавий таълим жараёнини ўзлаштирмоқда.

Биргина Андижон вилоятида давлат-хусусий шериклик асосида 151 та йирик, 1 минг 545 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 53 минг 890 нафар мактабгача таълим ёшидаги болалар қамраб олинган. Бу шунчаки рақамлар эмас. Унинг замирида келажакка бўлган катта эътибор мужассам.

Яратилган мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда Марҳамат туманидаги “Алитепа” маҳалла фуқаролар йиғинида “Қуёшжон” давлат-хусусий шериклик асосидаги оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотини ташкил этдик. Маҳалламиз фарзандлари бу ерда рус ва инглиз тилида сўзлашишни ўрганмоқда. Математик ҳисоб-китоблар, адабий-бадиий ўқишлар, мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари уларнинг жону дилига айланди.

Болаликда олинган таълим-тарбия келажак учун пойдевор вазифасини ўтайди. У қанчалик мустаҳкам қўйилса, боланинг камолоти ҳам шунча ишончли бўлади. Мактабгача таълим тизимига эътибор ҳам аслида Ватанимиз истиқболи учун қўйилаётган мустаҳкам заминдир.

Муқаддамхон ТЕМИРОВА,
Марҳамат туманидаги «Қуёшжон» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари.

Халқимизни рози қилиш – бурчимиз

“Обод қишлоқ” дастури доирасида ўтган йили қишлоғимизда таъмирлаш ва қурилиш ишлари олиб борилди. Шу жумладан, бизнинг оилавий шифохонамиз ҳам қайта таъмирланди, замонавий асбоб-ускуналар олиб келинди. Муассасамиздаги бугунги шароит шаҳарникидан асло қолишмайди.

Шифокорлик шарафли касб. Аммо етук шифокор бўлиб, меҳнати билан эл оғзига тушиб, обрў-эътибор топиш ҳам осон иш эмас. Айни кунларда, бутун дунёда бўлгани каби бизда ҳам коронавирус пандемиясига қарши кураш чоралари олиб борилмоқда. Бунда аҳолини эмлаш, имкон даражасида қишлоғимизда инфекциянинг тарқаб кетмаслиги чораларини кўриш, асосий мақсадларимиздан. Қишлоқдаги 18 ёшдан катта бўлган 3 минг 574 нафар фуқаронинг аксарият қисмини эмлаб бўлдик, энди иккинчи ва учинчи доза эмлаш ишларини олиб боряпмиз.

Президентимиз соғлиқни сақлаш масалаларига бағишлаб ўтказаётган ҳар бир йиғилишда, қабул қилаётган Фармон ва қарорларда тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар бермоқда. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг узоқ умр кечиришини таъминлаш, соғлом ва фаровон турмуш учун қулай шароит яратишга доимий эътибор ва ғамхўрлик юртдошларимизнинг ҳаётга иштиёқини кучайтириб, уларда эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамламоқда.

Ҳозирги кунда юртимиз тиббиёти олдида турган долзарб масалалардан бири — бу ижтимоий касалликлардир. Юртимизда сил, психиатрия, теританосил, онкология ва бошқа шу каби хасталиклар ечимига қаратилган қарорлар ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Эртанги кун, халқимизнинг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда бундай дардлар билан боғлиқ ўлим ҳолати сезиларли даражада камайди. Кўпгина юқумли касалликларга барҳам берилди.

Давлатимиз томонидан соҳага қаратилаётган эътибор эса кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшмоқда, янада самарали меҳнат қилишга руҳлантирмоқда.

Тамара ПАРДАЕВА,
Дўстлик туманидаги «Наврўз» ҚФЙ оилавий шифокор пункти мудири.

Рағбат туфайли кучли ишонч пайдо бўлди

Ҳаётда баъзан кутилмаган воқеалар бўладики, иложсизликдан ўзингни боши берк кўчага кириб қолгандай сезасан, киши. Шундай паллада кимдир кўрсатган меҳрли кўмак ёки озгина эътибор гўёки йўлингни ёритади. Қатъиятинг ортади, бор кучингни тўплаб, вазиятдан чиқиб кетганингни ўзинг ҳам сезмай қоласан.

Оилавий шароитимиз яхши бўлмагани туфайли анчайин оғир кунларни бошдан кечирдим. Айниқса, мактабни битиргандан сўнг олийгоҳга кириш учун етти йиллик ҳаракатим бекор кетганидан бутунлай тушкунликка тушиб қолдим.

Шукрки, ёруғ кунлар олдинда экан. Бултур “ёшлар дафтари” рўйхатига киритишгач, ҳаётим ўзгара бошлади. Аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадон фарзанди сифатида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали сиртқи бўлимига имтиёзли асосда қабул қилинганим, орзуларим рўёбига йўл очди гўё. Бу ерда ишга жойлашиш масаласи ҳам ҳал бўлди, туман маданият марказида ёшлар масалалари бўйича мутахассис сифатида иш бошладим.

Ишнинг юришгани кўнгил тубида сақлаб юрган орзуларимга қанот бағишлади. Уюшмаган ёшлар орасидан ўзимга ўхшаган санъат ихлосмандларини тўплаб, “Бекнаво” ижодий гуруҳини ташкил қилдик.

Мен “ёшлар дафтари” тизими туфайли оёққа турдим. Бугун ушбу механизм сабаб кўплаб тенгдошларим ҳаёти яхши томонга ўзгармоқда.

Анваржон ДЕҲҚОНОВ,
Учқўрғон тумани маданият маркази мутахассиси.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Фазовий маълумотлар тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

8-модда. Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ҳимояланганлиги принципи

Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларга ишлов бериш уларнинг ҳимояланганлиги юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни ҳимоя қилиш:

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш;

қонунчиликда белгиланадиган ҳолларда ушбу маълумотларнинг махфийлигини сақлаш;

уларнинг бузилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

2-боб. Фазовий маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

9-модда. Фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга ошириладиган шахсларнинг фазовий маълумотлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш;

базавий фазовий маълумотларнинг, улар метамаълумотларининг барча манфаатдор субъектлар учун очиқлигини ва улардан фойдалана олишни таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фазовий маълумотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фазовий маълумотлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни тасдиқлайди;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибини тасдиқлайди;

оммавий фойдаланиш учун очиқ бўлган фазовий маълумотлар рўйхатларини белгилайди;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Фазовий маълумотлар соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фазовий маълумотлар соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

фазовий маълумотлар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга ошириладиган шахсларнинг фазовий маълумотлар ҳамда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларнинг бажарилишини таъминлайди;

базавий фазовий маълумотларга ишлов беришни, Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталини яратишга ва унинг фаолият кўрсатишига доир ишларни амалга оширади;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни бажаради, фазовий маълумотлар соҳасида техник ва дастурий воситалар яратилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

фазовий маълумотларга ишлов бериш жараёнлари устидан давлат назоратини амалга оширади;

фазовий маълумотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фазовий маълумотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

фазовий маълумотлар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

махсус ваколатли давлат органи, шунингдек бошқа давлат органлари ва фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар билан ҳамкорликда қонунчиликка мувофиқ миллий хавфсизликни ҳамда давлат мудофаасини таъминлаш мақсадида фазовий маълумотларни яратишни, Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг техник ва дастурий воситаларини ишлаб чиқишни ташкил этади;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Давлат органларининг фазовий маълумотлар соҳасидаги ваколатлари

Давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

фазовий маълумотлар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва киритишда иштирок этади ҳамда унинг амалга оширилишини таъминлайди;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларда иштирок этади;

махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда тегишли тармоқ учун соҳага оид фазовий маълумотлар ишлаб чиқилишини ҳамда тармоққа оид геоахборот ресурсларини ишлаб чиқишга ва Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталларини яратиш ҳамда сақлаб туришга доир ишларнинг бажарилишини ташкил этади;

базавий фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг махсус ваколатли давлат органига тақдим этилишини таъминлайди;

соҳага оид очиқ фазовий маълумотлардан фойдаланилишини таъминлайди;

тегишли тармоқ ёки ҳудуд учун соҳага оид фазовий маълумотларга ишлов берилишини амалга оширади.

Давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси

14-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг таърифи

Ушбу Қонунда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси деганда ташкилий тузилмани, илмий-техника сиёсатини, техник ва дастурий воситаларни, базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларни, метамаълумотларни ҳамда метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, халқаро стандартларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш ва уларни интеграциялаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартларини ўз ичига оладиган тизим тушунилади.

15-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартиби

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартиби:

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг фазовий маълумотларига ва метамаълумотларига ишлов бериш тартибини;

махсус ваколатли давлат органининг фазовий маълумотлар соҳасидаги фаолияти тартибини;

фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга ошириладиган шахсларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорлик қилиш тартибини;

ишлов берилиши тегишли давлат органлари ҳамда фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга ошириладиган шахслар томонидан ташкил этиладиган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар турларини;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси фазовий маълумотларининг, метамаълумотларининг, техник ва дастурий воситаларининг операциявий жиҳатдан мослигини таъминловчи талабларни;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати ҳақидаги ҳар йилги ҳисоботнинг тузилишини, мазмунини, уни тайёрлаш тартибини ва ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш муддатларини белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олади.

16-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи

Махсус ваколатли давлат органи томонидан Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси таркибида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи яратилади ва унинг фазовий маълумотларнинг қуйидаги сервислари билан фаолият кўрсатиши таъминланади:

ахборот тармоқларидаги фазовий маълумотларни ва фазовий маълумотлар сервисларини аниқлашни таъминлайдиган қидирув;

фазовий маълумотларни, геофазовий объектларнинг хусусиятлари ва метамаълумотларнинг мазмуни тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиш;

фазовий маълумотларга ишлов бериш имкониятини ва (ёки) уларнинг кўчирма нусхаларини олишни таъминлашга доир фойдаланиш;

фазовий маълумотлар координаталарини бир координаталар тизимидан ёки картографик проекциядан бошқасига ўзгартиришни таъминлайдиган координаталар операциялари.

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталини ва давлат органларининг геопорталларини ўз ичига олади.

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталига ушбу Қонунга мувофиқ тақдим этиладиган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар, метамаълумотлар жойлаштирилади.

Давлат органларининг геопорталларига давлат органлари томонидан тармоққа оид вазифаларни амалга ошириш учун яратилган соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар жойлаштирилади.

17-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга доир фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи ҳузурида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (бундан буён матнда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) ташкил этилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлмаган коллегиал органдир.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда маслаҳат-кенгашув вазифасини амалга оширади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш давлат органлари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлади.

4-боб. Фазовий маълумотларга ишлов бериш

18-модда. Фазовий маълумотлар соҳасидаги ишларнинг турлари

Фазовий маълумотлар соҳасидаги ишлар қуйидаги турларга бўлинади:

фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни яратиш, йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, янгилаш, визуаллаштириш, улардан фойдаланиш, уларни тақдим этиш, тарқатиш ва узатиш;

турли мақсадларга мўлжалланган фазовий маълумотлар ва геоахборот тизимлари сервисларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш;

фазовий маълумотларга ишлов бериш учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситаларни яратиш;

геопорталларни яратиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг сифатини илмий-техник экспертизадан ўтказиш;

фазовий маълумотлар базаларини, метамаълумотлар базалари ва каталогларини, фазовий маълумотлар сервисларини, геоахборот тизимларини, геопорталларни, фазовий маълумотлар соҳасидаги бошқа техник ва дастурий воситаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-технологик ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг фаолият кўрсатишини ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш мақсадида бошқа маҳсулотни яратиш ва (ёки) бошқа ишларни бажариш.

Фазовий маълумотларга ишлов бериш Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун қабул қилинган координаталар тизимларида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

19-модда. Базавий, соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар

Фазовий маълумотлар базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга бўлинади.

Ҳамма фойдалана оладиган, фазовий маълумотларга ишлов бериш жараёнлари учун бирхиллаштирилган рақамли координата-фазовий асосни ташкил этадиган фазовий маълумотлар базавий фазовий маълумотлардир.

Базавий фазовий маълумотлар қуйидаги объектлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади:

геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқларининг пунктлари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегаралари;

гидрографик объектлар ва гидротехника иншоотлари;

аҳоли пунктлари ва уларнинг кўча-йўл тармоғи;

саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари ва ижтимоий-маданий объектлар;

бинолар ва иншоотлар;

автомобиль йўллари;

темир йўллар;

магистрал қувурлар;

муҳандислик коммуникациялари;

аэропортлар, дарё бандаргоҳлари;

ўсимлик қоплами ва тупроқлар;

ер участкаларининг чегаралари;

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектлари;

аҳоли пунктларининг чегаралари ва зоналаштириш объектлари, шунингдек шаҳар атрофидаги зоналар;

муҳофаза этиладиган зоналар ҳамда ҳудудлардан фойдаланишнинг алоҳида шартларига эга бўлган зоналар;

аҳоли пунктлари ҳудудидаги ва ундан ташқаридаги кўчаларнинг реестрлари ҳамда объектларнинг манзиллари;

географик объектларнинг номлари;

жой рельефи;

ортофотохариталар, аэро- ва космик суратлар ҳамда Ерни масофадан туриб зонд билан текширишга доир ишларнинг натижалари.

Базавий фазовий маълумотларда давлат сирларини ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни, шунингдек фойдаланилиши қонунчиликка мувофиқ чекланган бошқа ахборотни ташкил этадиган маълумотлар бўлмаслиги керак.

Базавий фазовий маълумотлар асосида яратиладиган мавзуга оид фазовий маълумотлар соҳага оид фазовий маълумотлардир.

Базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга, уларнинг таркиби ва мазмунига, уларнинг метамаълумотларига доир талаблар Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ ҳамда бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Метамаълумотлар фазовий маълумотлар ҳамда фазовий маълумотлар сервисларининг таркиби, тузилмаси, сифати, ишончлилиги, ҳудудий қамрови, вазифалари, улардан фойдаланиш, фойдаланишни чеклаш шартлари, фазовий маълумотларни ишлаб чиқарувчи, уларнинг яратилиш вақти, уларни янгилаш даврийлиги тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади ҳамда бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Давлат органларининг буюртмасига кўра яратилган фазовий маълумотлар давлат мулки ҳамда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг таркибий қисмидир.

20-модда. Фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни тақдим этиш

Фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар давлат органларига ўз ваколатларини амалга ошириши учун – бегараз асосда, бошқа фойдаланувчиларга эса – махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган миқдорлардаги ҳақ эвазига тақдим этилади.

Давлат органлари, фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ фазовий маълумотлардан ва метамаълумотлардан фойдаланишни чеклаши мумкин.

Базавий фазовий маълумотлар фойдаланувчиларга Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопортали сервисларидан, «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасидан фойдаланган ҳолда ёхуд Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига ҳамда махсус ваколатли давлат органи билан келишувга мувофиқ узатиш йўли билан тақдим этилиши мумкин.

Давлат органлари ва фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар ўзлари яратган ва янгилаган базавий фазовий маълумотларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт.

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ тегишли базавий фазовий маълумотларга ишлов бериш учун жавобгар бўлган давлат органлари базавий фазовий маълумотларни махсус ваколатли давлат органига:

фазовий маълумотларнинг сервисларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

келишилган форматда ва сифатда фазовий маълумотларни узатиш йўли билан тақдим этади.

Махсус ваколатли давлат органи:

базавий фазовий маълумотларни, шунингдек метамаълумотларни қабул қилиб олиш ва назорат қилиш ҳамда уларни Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталига жойлаштиришни;

геоахборот тизимларида, ресурслар ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ахборотни ва маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасига тақдим этишни;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этишни;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг техник ва технологик таъминотини;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси маълумотларини сақлашни ва ҳимоя қилишни;

фазовий маълумотлар сервислари яратилишини ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминлашни;

фойдаланувчиларнинг Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси геопорталига жойлаштирилган фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланишини таъминлашни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи фазовий маълумотлар мулкдорининг ёки эгасининг розилиги билан:

қоғоздаги фазовий маълумотларни электрон шаклга ўзгартиришни амалга оширади;

фазовий маълумотларга, шу жумладан базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга ҳамда уларнинг метамаълумотларига ишлов беришни амалга оширади;

фойдаланувчиларга базавий фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ тақдим этади.

Давлат органлари, шунингдек фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар:

фазовий маълумотларга ва метамаълумотларга ишлов берилишини таъминлайди;

ўз ваколатларини амалга ошириш учун фазовий маълумотлардан ва метамаълумотлардан фойдаланади;

фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг қонунийлигини, аниқлиги, ишончлилиги ва ҳимояланганлигини, шунингдек базавий фазовий маълумотларнинг очиқлигини ҳамда улардан фойдалана олишни таъминлайди;

фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг махсус ваколатли давлат органига тақдим этилишини таъминлайди;

ўз фазовий маълумотлари ва метамаълумотларидан махсус ваколатли давлат органининг фойдаланишини таъминлайди;

ўз расмий веб-сайтларига Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопортали орқали фазовий маълумотлардан фойдаланиш шартлари ҳақидаги ахборотни жойлаштиради.

5-боб. Якунловчи қоидалар

21-модда. Низоларни ҳал этиш

Фазовий маълумотлар соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

22-модда. Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

24-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 июль
№ ЎРҚ–702

ТОКИО ШАҲРИДА XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Спорт

Япониянинг Токио шаҳрида XXXII ёзги Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу тариқа коронавирус пандемияси сабаб дунё спорт жамоатчилиги беш йил кутган нуфузли мусобақага расман старт берилди.

Икки юздан ортиқ давлатлар, 11 мингдан зиёд атлет ва 339 медаллар жамламаси.

Бу навбатдаги Олимпия ўйинларига доир маълумот. Рақобат кучли — қатнашчилар орасида ўз йўналишида жаҳон рейтингида юқори ўринларда турадиган тажрибали спортчилар талайгина.

Мусобақанинг очилиш маросими Токио шаҳридаги Япония миллий стадионида ўтказилди.

Унда иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қатнашчиларнинг сонига чекловлар қўйилган. Парадда биринчи бўлиб замонавий Олимпия ўйинларининг асосчиси ҳисобланмиш Греция вакиллари чиқиб келди. Шундан сўнг мезбон давлат алифбоси бўйича давлатлар кетма-кетликда кўриниш берди.

Анъанага мувофиқ, майдонга тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашаётган давлатлар терма жамоалари бирма-бир чиқиб кела бошлади... Ниҳоят, япон алифбосида тартиб рақам бўйича 25-ўриндан жой олган Ўзбекистон делегацияси аъзолари ташриф буюрди. Нуфузли мусобақада давлатимиз байроғини машҳур спортчиларимиз — боксчи Баҳодир Жалолов ва таэквондочи Нигора Турсунқулова стадионга олиб кирди.

Мухлислар ҳамюртларимизни олқишлар билан кутиб олди... Бу онларни жуда кўпчилик бевосита телевидение ва интернет орқали кузатди. Очиғи, мана шундай пайтларда она Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатинг янада жўшади, беихтиёр истиқлол берган имкониятларни янада теранроқ ҳис қиласан. Бинобарин, “Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тезда машҳур қила олмайди”, деган фикрнинг ҳам нечоғли асосли эканига яна бир карра амин бўласан.

XXXII ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини 17 спорт турида 71 нафар вакилимиз ҳимоя қилади. Пандемия билан боғлиқ мураккаб вазиятга қарамасдан, спортчиларимизнинг нуфузли мусобақага муносиб тайёргарлик кўриши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Хусусан, 2017 йил 9 мартдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги Президент қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг шу бўйича ишлаб чиққан стратегияси асосида ҳар бир спортчининг тайёргарлигига индивидуал ёндашилди.

Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳри (Япония)да бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш бўйича Республика комиссияси қарорига мувофиқ, Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бир спортчига 100 миллион сўм, унинг мураббийсига эса 50 миллион сўм бир марталик рағбатлантириш пули берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Олимпия ўйинларининг ғолиб ва совриндор бўлган спортчилари ҳам муносиб рағбатлантирилади.

Жумладан, жорий йилнинг 25 июнь куни Президентимиз томонидан имзоланган “2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритган спортчиларимиз 200 000 АҚШ доллари, кумуш медаль совриндорлари 100 000 АҚШ доллари, бронза медаль соҳиблари 50 000 АҚШ доллари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Вакилларимиз эришган натижалар ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил маълумот бериб борамиз.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-8788